

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2016 у.г. «8» июл

№ 498-18

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“Каттакўрган шаҳар Амир Темур кўчасида маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуришга рухсат бериш ҳақида”

Каттакўрган шаҳар ҳокими номига Бобур кўчаси 23 уйда яшовчи фуқаро Ишмурадов Азизджон Ҳақимовичнинг ёзган аризасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартибларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сонли қарорига асосан ташкил этилган танлов савдолари юзасидан Самарқанд вилояти ҳокимлиги танлов комиссиясининг № 1-сон баённомасини (№ 03/3-352 18.06.2016 й.) инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги “Танлов савдолари ўтказиш комиссияси”нинг 2016 йил 18 июндаги № 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Каттакўрган шаҳар Бобур кўчаси 23 уйда яшовчи фуқаро Ишмурадов Азизджон Ҳақимовичга Амир Темур кўчасида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 200 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Шаҳар ҳокимлиги (Ж.Нигматуллаев) ва шаҳар бош архитектори (О.Розиқов)га, танлов ғолиби Ишмурадов Азизджон Ҳақимович томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда танлов таклифига белгиланган муддатларда қурилиш ишлари олиб борилмаган тақдирда, танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ерни патура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиқов) ҳамда Каттакўрган шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (У.Туропов) зиммаларига юклатилсин.
5. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (М.Жураев) га танлов ғолиби Ишмурадов Азизджон Ҳақимовичга маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун ажратилаётган 200 кв.метр ер майдонига нисбатан ҳаракатдаги қонунлар асосида солиқлар миқдорини белгилаш ҳамда ундирилишини назорат қилиш топширилсин.